



## ҚАРОР

Yil "23" сентябр

№ 256-Қ

«Шахарлараро алоқа корхонаси»  
акционерлик жамиятига шиша  
толали алоқа узатиш тармоғини  
лойихалаш ва қуриш учун вақтинга  
фойдаланишга ер майдони танлаш  
хамда ажратиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1999 йил  
6 июлдаги 331-сонли «Ўзбекистон Республикасида телекоммуникацион  
тизимни ривожлантириш учун Япония чет эл иқтисодий хамкорлик  
фонди (OECF)нинг имтиёзли кредитини ишлатиш чоралари тўғрисида»ги  
қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида хамда Оқдарё, Каттақўргон,  
Нарпай, Пастдарғом, Иштиҳон ва Самарқанд туманлари ҳокимларининг  
қабул қилган қарорларини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Шахарлараро алоқа корхонаси» акционерлик жамиятига шиша  
толали алоқа узатиш тармоғини қурилиши учун вақтинга фойдаланишга  
ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақидаги Оқдарё тумани ҳокимининг  
2002 йил 24 июндаги 222-қ рақамли, Каттақўргон тумани ҳокимининг  
2002 йил 12 июлдаги 329-қ рақамли, Нарпай тумани ҳокимининг 2002  
йил 17 июлдаги 614-қ рақамли, Пастдарғом тумани ҳокимининг 2002 йил  
15 июлдаги 321-қ рақамли, Иштиҳон тумани ҳокимининг 2002 йил 4  
июлдаги 357-қ рақамли, Самарқанд тумани ҳокимининг 2002 йил 30  
июлдаги 356-қ рақамли қарорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шиша толали алоқа узатиш тармоғи қурилиши жараёнида қишлоқ  
хўжалик корхоналарига етказилган ишлаб чиқариш зарарлари  
«Шахарлараро алоқа корхонаси» акционерлик жамияти томонидан  
хўжаликларга тўлаб берилиши назарда тутилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қурилиш ишлари тутатилгандан сўнг  
«Шахарлараро алоқа корхонаси» акционерлик жамияти вақтинга  
фойдаланишга ажратилган ерларни ва бузилган инженерлик  
коммуникацияларини қайта тиклаши (рекультивация қилиш) шарт.

60

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат килиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари вазифасини бажарувчи М.Хашимов ва вилоят ҳокимининг индустряни ривожлантириш, курилиш ва коммуникация масалалари бўйича ўринbosари котибияти мудири Т.Мамадалиев зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими



Ш.Мирзиёев